

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ, ШУНИНГДЕК БАЪЗИЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА” 2017-ЙИЛ 30-АВГУСТДАГИ ПФ-5174-СОН ФАРМОНИ ҲАМДА “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА” 2017-ЙИЛ 30-АВГУСТДАГИ ПҚ-3249-СОН ҚАРОРИ)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида” 2017-йил 30-августдаги ПФ-5174-сон [Фармонини](#) ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017-йил 30-августдаги ПҚ-3249-сон [қарорини](#) бажариш юзасидан, шунингдек ўсимликлар карантини давлат хизмати тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,

2017-йил 22-ноябр,

933-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 22-ноябрдаги 933-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

Олдинги таҳрирга қаранг.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 7-декабрдаги 995-сонли [қарорига](#) асосан ўз кучини йўқотган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.12.2018-й., 09/18/995/2287-сон)

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2010-йил 2-апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010-й., 4-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар [миқдорларининг](#) 29-позитсияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“	Қуйидагилардан:	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспексияси	бошқа давлатлардан келаётган уруғлик, кўчат материал ва карантин назорати остидаги бошқа ўсимлик маҳсулотларини, шунингдек республика ҳудуди орқали транзит ўтаётган карантин остидаги юklarни импорт қилишга карантин рухсатномаси берилганлигидан	25 ”.
	карантин остидаги маҳсулотларни республикадан экспорт қилишда ўсимликлар карантини ва уларни ҳимоя қилиш давлат органлари томонидан фитосанитария сертификати ёки гувоҳнома берилганлигидан	

республика
 Уш Вазирлар Маҳкамасининг 2011-йил 17-ноябрдаги 305-сон қарори (ҚХТ, 2011-йил 17-ноябрдаги 446-сон, 478-модда) билан тасдиқланган “Бир дарча” тамойили бўйича карантиндан етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш қароридан фотосанитария пунктларидаги тўғрисида Вақтинчалик низом 6-банди “в” кичик бандининг қўйиб бериш хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг хузуридаги Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини хўжалиқлари бўлими” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

Уш Вазирлар Маҳкамасининг 2013-йил 15-августдаги 225-сон қарори (ҚХТ, 2013-й., 8-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхати рус тилидаги матнининг 30, 31 ва 32-бандлари бўлишидаги тахрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси
30. ветеринарий сертификат (свидетелство)	Экспорт и импорт грузов, поднадзорных государственной ветеринарной службе	Государственный комитет ветеринарии Республики Узбекистан
31. Карантинное разрешение	Импорт семян, растений и продукции растительного происхождения и транзит грузов, содержащих семена, растения и продукцию растительного происхождения, через территорию Республики Узбекистан	Государственная инспекция по карантину растений при Кабинете Министров Республики Узбекистан
32. Фитосанитарий сертификат	Экспорт семян, растений и продукции растительного происхождения	Государственный комитет ветеринарии Республики Узбекистан

Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 22-ноябрдаги 933-сон қарорига
 2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат инспекциясини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида” 1995-йил 5-декабрдаги 449-сон [қарори](#) (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995-й., 12-сон, 47-модда).
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 1999-йил 30-апрелдаги 202-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999-й., 4-сон, 22-модда) 1-иловининг [11-банди](#).
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2013-йил 15-августдаги 225-сон қарори)” 2013-йил 8-октабрдаги 276-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013-й., 10-сон, 72-модда) илованинг [3-банди](#).
4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида” 2013-йил 26-декабрдаги ЎРҚ-360-сон ҳамда “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016-йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2015-йил 31-декабрдаги ЎРҚ-398-сон қонунлари)” 2016-йил 26-апрелдаги 122-сон қарорига 1-иловининг [11-банди](#).

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.11.2017-й., 09/17/933/0303-сон; 10.12.2018-й., 09/18/995/2287-сон)